

## ЭСКИ НАМУНАДАГИ ТАНГА ВА БАНКНОТАЛАРНИ АЛМАШТИРИШ МУДДАТИ

“Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг эски намунадаги 50 ва 100 сўмлик тангалари, шунингдек, 200 ва 500 сўмлик банкнотларини айирбошлаш ҳамда муомаладан қайтариб олиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан ушбу қийматдаги банкнот ва тангаларни Марказий банкнинг ҳисоб-китоб

касса марказлари томонидан амалдаги пул белгиларига алмаштириб беришнинг охириги муддати эълон қилинди. Фуқароларнинг қўлида қолиб кетган эски намунадаги 50, 100 сўмлик танга, 200 ва 500 сўмлик банкноталарни 2022 йилнинг 1 январига қадар Марказий банкнинг жойлардаги ҳисоб-китоб касса мар-



казларида муомаладаги пул белгиларига алмаштириб олишлари мумкинлиги белгилаб қўйилди.

### ТАРМОҚЛАР ФАОЛИЯТИДАН

## ЯККАСАРОЙ ЯККА ПЕШҚАДАМ

Яккасарой филиалини “Hamkorbank” АТБ умумий фойда кўрсаткичидаги ҳиссаси ҳар доим салмоқли. Бунинг асосий сабаби тармоқнинг кўплаб йирик мижозларга эга эканлиги ва хизмат кўрсатишдаги ўзига хос профессионалигидир.



ганига гувоҳ бўлиш мумкин. Корпоратив мижозларга 200 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди.

Жами кредит қўйилмаларининг 386 фоизга бажарилишининг ўзи жамоа салоҳиятининг қай даражада баланд эканлигини кўрсатади. Бунинг натижасида корпоратив кредитлар 161 миллиард сўмга, кичик бизнес кредитлари 11 миллиард сўмга, микроўналишдаги кредитлар 3,6 миллиард сўмга, жисмоний шахсларга ажратиладиган кредитлар 13 миллиард сўмга ўсди.

Яккасарой ходимларининг шижоати янада баланд. 60 кишидан иборат намунали бу жамоанинг ютуқлари



ҳамиша давомли бўлишига сира шубҳа йўқ.

Нигора ТЎХТАМАНОВА

## ҲАМЖИҲАТЛИК ВА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ

— 2020 йил барчамиз учун синовли йил бўлди. Пандемия бўлишига қарамай муассасада фаолият юритаётган 3 нафар, ходим 90 мингга яқин аҳолига сифатли хизмат кўрсатяпти. 82 та мижозимизнинг 30 таси якка тартибда фаолият олиб боради. Қолганлари юридик макомга эга. Уларга микрокредитлар бериш борасида барча шароитлар мавжуд, мутахассислар тажрибали, — дейди минибанк бошлик етакчи-менежери Жамшид Бозорбоев.

Сардорбек Келдибеков тажрибали, изланувчан ва хушмуомала ходим. У ҳар бир вазифага сидқидилдан ёндошади, билдирилган ишончни оқлайдиган мутахассис. Масалан, пластик карта олиш ниятида келган мижознинг аризасини қабул қилиб, ишингиз филиалда битади деб юборавермайди. Токи карта мижоз қўлига етгунича бўлган хизматларни бажаради. Ҳар бир мурожаатни ижобий ҳал қиладики, бундан унинг касбига бўлган меҳрини сезиш мумкин.

Айни вақтда мижозлар сони 1 минг 900 дан ошди. Муассаса томонидан тезкор ва сифатли хизмат кўрсатилганлиги боис, бу рақамлар ортмоқда, ютуқлар қўлами кенгайяпти. Ҳамжиҳат ишлайдиган жамоанинг мақсади: намунали хизмат кўрсатиш орқали фуқароларнинг фаровон яшашларига ҳисса қўшишдир.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.

2021 йил, январь

## “МАҲАЛЛАБАЙ” ИШЛАШ ТИЗИМИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида банк тизимида муҳим ислохотларни амалга ошириш зарурлиги белгилаб берилган эди. Ушбу устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан “Тижорат банкларининг мижозга йўналтирилган сиёсати ва “маҳаллабай” ишлаш тизимини амалиётга жорий этиш йўналишлари” мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Унда Марказий банкнинг ҳудудий бошқармалари ва тижорат банкларининг вилоятлардаги филиаллари раҳбарлари иштирок этди. “Маҳаллабай” ишлаш тизимини жорий этишдан асосий мақсад — маҳаллаларнинг иқтисодий салоҳиятини ривожлантиришда мавжуд имкониятлар (бўш турган бинолар, фойдаланилмаётган ер майдонлари), маҳалладаги тадбиркорлар фаолиятининг ҳолати, маҳалла хонадонларининг ихтисослашувини ўрганиш ва маҳаллий тадбиркорлик салоҳиятини ошириш режа — графигини ишлаб чиқиш. Шунингдек, ишсиз маҳалла аҳолисини уларнинг касб кўникмалари ва кизиқишларидан келиб чиққан ҳолда касб ўргатуви курсларга йўналтириш ва тадбир-


### ИСЛОҲОТ

корлик субъектларига ишга жойлаштириш, тадбиркорлик билан шуғулланиш ис- тагида бўлганлар учун биз- нес лойиҳалар тайёрлашда кўмак бериш ва уни амалга оширишни доимий монито- ринг қилиш. Айтиш жоизки, маҳаллаларда тадбиркорлик лойиҳаларига кредитлар ажра- тишда Тадбиркорлик фаолияти- ни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг молиявий хизматларидан фойдаланишга кўмаклашиш, аҳолининг банк хизматларидан фойдаланиш да- ражасини “маҳаллабай” камраб олиш ва зарур банк хизматла- рини кенгайтириш усулларини ўргатиш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

## Марказий банк асосий индекс ва котировкаларни эълон қилди

| Асосий индекслар ва котировкалар                                                                                      |                                    |            |            |                     |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------|------------|------------|---------------------|
| Основные индексы и котировки                                                                                          |                                    |            |            |                     |
| Курсишлар / Показатели                                                                                                | Ўлчов бирлиги / Ед. исм.           | 14.01.2021 | 15.01.2021 | Ўзгариш / Изменение |
| Биржа курси / Биржевой курс                                                                                           | USD/UZS                            | 10506      | 10510      | ↑ 4 (0,04%)         |
|                                                                                                                       | EUR/UZS                            | 12890      | 12880      | ↓ 10 (0,08%)        |
| Банслараро депозит фойз ставкаси (ўртача портфелга) / Процентная ставка по межбанковским депозитам (средневзвешенная) | 1 кун / день                       | 13,0%      | 13,0%      | 0,0 ф.о./пл         |
|                                                                                                                       | 2-14 кун / дней                    | 14,4%      | 14,4%      | -                   |
|                                                                                                                       | 15-30 кун / дней                   | 15,9%      | 15,9%      | -                   |
|                                                                                                                       | 30 кундан ошадиган / свыше 30 дней | 16,0%      | 16,0%      | 0,0 ф.о./пл         |
| Олтин / Золото**                                                                                                      | USD/унц.                           | 1840,26    | 1847,49    | ↑ 7,23 (0,39%)      |
| «Brent» маркали нефть / Нефть марки «Brent»**                                                                         | USD/баррель                        | 55,74      | 55,59      | ↓ 0,15 (0,27%)      |

Жорий йилнинг 13 январь соат 18:00 ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий индекс ва котировкаларни маълум қилди. Унда биржа курслари, банкларнинг депозит фойз ставкаларининг ўзгарганлигини кўриш мумкин.



Бугунги кунда фуқаролар орасида интернет сайтларидаги рекламалар орқали қисқа вақт ичида пул ишлашни таклиф этаётган ташкилотларнинг ёлғон маълумотларига ишониб, ўз пул маблағларини хорижий давлатларга ўтказиш ҳолатлари учраб турибди.

Бунда асосан интернет фойдаланувчиси пул ишлаш тўғрисидаги рекламалар билан танишиб, ташкилотларга сўров қолдиради. Қисқа вақт ичида “А” исмли шахс фойдаланувчи билан боғланади ва уни савдо майдончасига (FOREX платформалари) киришини таъминлашини ҳамда халқаро молия бозоридаги савдо бўйича таҳлилий маълумот ва маслаҳат тақдим этишини айтади. Бунинг учун фойдаланувчидан маълум микдорда чет эл валютасида сармоя киритиш сўралади. Маблағ ўтказилгандан кейин масофавий эркин фойдаланиш дастурини (Any Desk) ўрнатиши сўралади ва фойдаланувчи у орқали платформадаги савдоларда қатнаша бошлайди. Сармоя эгаси платформада ўз маблағининг ўсишини кўради ва уларни ечишга қарор қилганда, таҳлилчи ушбу маблағларни ечиб бермайди, турли баҳоналарни важ қилади ёки умуман алоқага чиқмайди.

Шундан сўнг фуқаро томонидан брокерлик компаниясининг шахсий кабинетига кирган ҳолда пул маблағларини ечиш юзасидан сўровлар юборилганда, “кутилмоқда” макоми кўрсатилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Марказий банк юртдошларимизни фирибгарларнинг алдовларига ишониб қолмасликларини юзасидан огоҳ бўлишликка чорлайди.

## ТАЙИНЛОВ



Банк бошқарувининг 2020 йил 18 декабрь кунги 33/к - сонли буйруғига асосан, **Асатов Санжар Бахтиёрович** “Hamkorbank” АТБ Гулистон филиали бошқарувчиси лавозимида тайинланди.

**С. Асатов шу кунга қадар Гулистон филиали бошқарувчи ўринбосари — фронт офис бошлиғи лавозимида фаолият юритган.**

## ЯНГИ ЖОРИЙ ҚИЛИНГАН БАНК МАҲСУЛОТИ

## АҲОЛИ УЧУН МАНФААТЛИ ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ ТАҚДИМ ЭТИЛМОҚДА

“Hamkorbank” АТБ томонидан уй-жой сотиб олиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун қулай шартларда ипотека кредитлари ажратиш давом этмоқда. Молия муассасаси аҳоли вакилларини бирламчи ва иккиламчи уй-жой бозорида 20 йилгача бўлган узоқ муддатли ипотека кредитлари ҳамда хонадонларни таъмирлаш учун мўлжалланган кредитларни молиялаштириб беради. Кредит шартлари ҳамёнбоп эканлиги билан эътиборингизни тортади:

- Кредит муддати — 20 йилгача

- Кредит миқдори — 323 млн. сўмгача

- Фоиз ставкаси — 18 %
- Бошланғич тўлов — 25 %

Уй-жойлар таъмири учун ҳам мақсадли ипотека кредитлари тақдим этмоқда. Ушбу кредит турига бошланғич тўлов талаб этилади. Таъмирлаш ишларига 80 миллион сўмгача кредит ажратилади. Йиллик фоиз ставкаси 17 фоиз, кредит муддати эса 10 йилгача. Банк томонидан таклиф этилаётган ушбу хизмат тури қисқа муддатда хонадонларни файзли, кўркам кўриниш



касб этишини таъминлайди. Ипотека кредитини 18 ёшга тўлган, 50 ёшдан ошмаган, доимий иш жойига ёки даромад манбаига эга бўлган ҳамюртларимиз расмийлаштириши мумкин.

## “HAMKORBANK” ДАН ИККИЛАМЧИ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН ИПОТЕКА

Сизни иккиламчи бозордаги уй-жойлар қизиқтиряптими? Марҳамат! Биз бу йўналишда ҳам ипотека кредити ажратишни бошладик.

Иккиламчи бозордаги уй-жойлар учун ипотека кредити узоқ муддатга ва сизга маъқул келувчи шартларда тақдим этилади:

- Муддати — 20 йилгача;
- Фоиз ставкаси — йиллик 18 %;
- Дастлабки тўлов — сотиб олинаётган уй баҳосининг 25 %.

Батафсил шартларини 0 800 1 200 200 телефон рақами орқали банкнинг алоқа марказидан билиб олиш мумкин.

Имкониятни қўлдан бой берманг! Иккиламчи уй-жой бозори учун ипотека кредитини бугуннинг ўзида “Hamkorbank”да расмийлаштиринг!



## “HAMKORBANK” АТБ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН ТАНЛОВ ҲОЛИБЛАРИ

## “ЭНГ САМАРАЛИ ФИЛИАЛ”

НОМИНАЦИЯСИ БЎЙИЧА РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

## 1-ГУРУХ

1-ўрин **Яккасарой филиали**  
Рағбатлантириш фонди 30 000 000 сўм.

## 2-ГУРУХ

1-ўрин **Урганч филиали**  
Рағбатлантириш фонди 25 000 000 сўм.

## II-ўрин Нодирабегим филиали

Рағбатлантириш фонди 18 000 000 сўм.  
3-ГУРУХ

1-ўрин **Марғилон филиали**  
Рағбатлантириш фонди 20 000 000 сўм.  
4-ГУРУХ

1-ўрин **Денов филиали**  
Рағбатлантириш фонди 18 000 000 сўм.  
5-ГУРУХ

1-ўрин **Юнусобод филиали**  
Рағбатлантириш фонди 15 000 000 сўм.

II-ўрин **Ҳазорасп филиали**  
Рағбатлантириш фонди 10 000 000 сўм.

## 2020 ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛЛАРИ

## Йилнинг энг яхши корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи

Фарход Абдурахмонов — Асака филиали корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи.

## Йилнинг энг яхши чакана бизнес бўлими бошлиғи

Отабек Соатов — Денов филиали чакана бизнес бўлими бошлиғи.

## Мижоз жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши ходими

Алишер Ўрмонов — Фарғона минтақавий филиали Қирғули минибанки бошлиқ-етакчи менежери;  
Ферузбек Хўжаев — Урганч филиали Хива минибанки бошлиқ-етакчи менежери;

Жасурбек Ҳалимов — Юнусобод филиали Юнусобод — 4 минибанки бошлиқ-етакчи менежери.

## Йилнинг энг яхши КХБ сотиш менежери (йирик сегмент)

Равшанжон Раҳимбоев — Яккасарой филиали корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи.

## Йилнинг энг яхши КХБ сотиш менежери (ўрта сегмент)

Мухаммадраҳимбек Раҳимов — Наманган минтақавий филиали корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи.

## Йилнинг энг яхши КХБ сотиш менежери (оммавий сегмент)

Сардорбек Абдуқаҳоров — Қўрғонтепа филиали корпоратив хизматлар бўлими менежери;  
Абдурашид Абдурасулов — Фарғона минтақавий филиали корпоратив хизматлар бўлими 1-тоифали менежери.

## Йилнинг энг яхши чакана бизнес бўлими менежери

Шоядбек Одилов — Шаҳар амалиёт бошқармаси чакана бизнес бўлими 1-тоифали менежери;  
Мавлуда Дадажоновна — Куvasой филиали чакана бизнес бўлими менежери.

## Йилнинг энг яхши истеъмол кредит менежери

Баҳром Мейликулов — Қарши филиали чакана бизнес бўлими менежери;

Сарвар Сейтов — Нукус филиали чакана бизнес бўлими етакчи менежери;  
Моҳинур Муродова — Термиз филиали чакана бизнес бўлими менежери.

## Йилнинг энг яхши ҳисоб-рақам менежери

Феруза Исмаилова — Олмалиқ филиали корпоратив хизматлар бўлими транзакцион менежерлари 1-тоифали менежери.

## Йилнинг энг яхши ҳисоб-рақам менежери (ХБА)

Шаҳбоз Жаннатова — Яккасарой филиали корпоратив хизматлар бўлими транзакцион менежерлари етакчи менежери (ХБА).

## Йилнинг энг яхши СРО менежери

Абубакир Жолдасбоев — Нукус филиали корпоратив хизматлар бўлими 1-тоифали менежери.

## Йилнинг энг яхши минибанк менежери (оммавий сегмент)

Маъмуржон Бурхонов — Марғилон филиали Олтиариқ минибанки менежери;  
Қамолитдин Мирзақулов — Термиз филиали Жарқўрғон минибанки бошлиқ-етакчи менежери;  
Асилбек Ибрагимов — Бухоро филиали корпоратив хизматлар бўлими менежери.

## Йилнинг энг яхши минибанк универсал менежери

Садритдин Қайумов — Денов филиали Қалдирғоч минибанки 1-тоифали менежери;  
Равшанбек Турғунов — Чуст филиали Фазо минибанки менежери.

## Йилнинг энг яхши минибанк истеъмол кредит менежери

Азизбек Алимов — Шаҳрихон филиали Шохбекат минибанки 1-тоифали менежери;  
Умиджон Юлдошев — Куvasой филиали Кува минибанки менежери.

## Йилнинг энг яхши чакана бизнес бўлими кассири

Гулсора Норбоева — Тошкент филиали чакана бизнес бўлими кассири.

## Йилнинг энг яхши ВАШ ходими

Аъзамхон Темиров — Марғилон филиали чакана бизнес бўлими ВАШ назоратчиси.

## Йилнинг энг яхши кассири

Барно Исҳоқова — Яккасарой филиали касса амалиётлари бўлими чиқим касса кассири.  
Отабек Шодмонов — Ургут филиали касса амалиётлари бўлими назоратчи кассири.

## Йилнинг энг яхши Мидл офис ходими

Музаффар Дадажонов — Куvasой филиали Мидл офис бош ҳисобчиси.

## Йилнинг энг яхши Бэк офис ходими

Баҳодир Аҳмедов — Марғилон филиали Бэк офис етакчи мутахассиси;  
Алишер Курбонов — Навоий филиали Бэк офис етакчи мутахассиси.

## Йилнинг энг яхши ундирув хизмати мутахассиси

Илсжон Ҳикматов — Марғилон филиали ундирув хизмати бошлиғи.

## Йилнинг энг яхши ҳуқуқшуноси

Шерзодбек Отақулов — Нодирабегим филиали ундирув хизмати етакчи ҳуқуқшуноси.

## Йилнинг энг яхши кейинги назорат ходими

Бехзод Ҳайдаров — Бухоро филиали Мидлофис 1-тоифали мутахассиси.

## Йилнинг энг яхши IT мутахассиси

Ўткирбек Исмолов — Шаҳар амалиёт бошқармаси Мидл офис етакчи мутахассиси.

## Йилнинг энг яхши ходимлар билан ишлаш менежери

Умида Абдуллаева — Хоразм минтақавий филиали Хоразм минтақавий HR менежери.

## Йилнинг энг яхши "Moodle" тизими ўрганувчиси

Ферузжон Норов — Навоий филиали корпоратив хизматлар бўлими 1-тоифали менежери;

Нигорахон Пайзиева — Нодирабегим филиали Мидл офис офис менежери;  
Фахриддин Ҳожибоев — Бош банк экологик экспертиза ва мониторинг сектори мутахассиси.

## Йилнинг энг яхши мураббийи

Нурилло Исмоилов — Қўқон филиали чакана бизнес бўлими 1-тоифали менежери.

## Йилнинг энг самарали бизнес ғояси муаллифи

Шухратбек Воҳидов — Бош банк касса иши ва инкассация сектори етакчи мутахассиси.

## Йилнинг энг ташаббускор ходими (БИС)

Жасур Жўраев — Навоий филиали чакана бизнес бўлими бошлиғи.

“Hamkorbank” ва “Visa” биргаликда совғалар улашади” акциясининг учинчи босқич ғолиблари аниқланди!

## “Nexia-3” соҳиби аниқланди

“Nexia-3” автомобилни ютиб олиш имконини берган акциянинг учинчи босқичида ғолиблар “Hamkorbank Visa” картасини расмийлаштириб, 20 АҚШ долларидан кам бўлмаган харидни амалга оширган 2974 нафар иштирокчи ўртасида аниқланди. Учунчи, иккинчи ва биринчи ўрин соҳиблари (улар жами 6 нафар) замонавий русумдаги смартфонлар, хусусан, учинчи ўрин — “Samsung Galaxy A21s” смартфонини Ҳасанов Вали Раҳматуллаевич ва Ҳайтов Шерзод Бобировичга, иккинчи ўрин — “Samsung Galaxy A41”



смартфонини Ҳамидова Нодира Собитхоновна ва Богачек Богдан Валеревич, биринчи ўрин — “Samsung Galaxy A51” смартфонини Тошпўлатов Нажотбек Нодирбек ўғли ва Турдиев Нодирбек Абдумухторовичлар қўлга киритди. Худди шу кунги акциянинг супер ютуқ ғолиби, “Nexia-3” автомобилнинг совриндори аниқланди. Замонавий автомобиль Мухаммаджонов Абдулазиз Дилшоджон ўғлига насиб этди.